Ким менга икки жағининг орасидаги ва икки оёғининг орасидагига кафолат берса, мен унга жаннатга кафолатни бераман», дедилар

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким менга икки жағининг орасидаги ва икки оёғининг орасидагига кафолат берса, мен унга жаннатга кафолатни бераман», дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон киши уларга эътибор берса, жаннат киришини кафолатлайдиган икки иш ҳақида хабар бермоқдалар. Биринчиси: Аллоҳ таолони ғазаблантирадиган сўзлардан тилни тийиш. Иккинчиси: Жинсий аъзони фаҳш(зино)дан сақлаш. Чунки кўп гуноҳ ишларга мана шу икки аъзо сабабли тушиб қолинади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3475